

40202239 - СОН 445

**ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎГРИСИДА  
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**

*Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун*

Қарши ш.

2022 йил 10 январь

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил 30 декабрдаги 27-01-14/6031-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Қашқадарё филиали директори Ж.Бозоров (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва суусанам ўлмак тег (кейинги ўринларда – Абонент) Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи У.Н. Мамавратқуров (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича куйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб;

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиши тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиш чиккачилигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзоланишидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида Ўз таловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танилган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

**2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, Ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

**3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби**

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (Postpaid) тизими шартлари таъбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни Ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк кун** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 (бир юз) фоиз** миқдорида олдиндан тўланади, дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан таъланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир таъланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан таъланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_ ) сўмни ташкил этади. Ушбу сумма \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_ ) сўм миқдоридаги Абонент тўловини ҳамда \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_ ) миқдоридаги бир марталик тўловни Ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк кун** ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йули билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмалиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмалигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишини вақтинча тўхтатишини, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исхаламанган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларини ихтиёрий равишда блоқировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блоқировка қилиш тартиби Оферта қоқдалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштирилган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ён) иш кун** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича Ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослаштирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобда, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганда **1 (бир) календарь ой**дан ошмаган муддатда Абонентнинг қафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

**4. Томонлар жавобгарлиги**

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

**5. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Қарши туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

**6. Алоҳида шартлар**

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар

кўрмасликлари ёки хатти-харакатларини содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашни чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қондаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (уттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

#### 7. Якуний қондалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 20\_\_ йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга таъбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 20\_\_ йил \_\_\_\_\_ калдар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцентини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганини ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтда эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шакlining ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (ўн) календарь кун ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

### 8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР:	АБОНЕНТ:
<b>"Ўзбектелеком" АК</b> Қашқадарё филиали	<i>Висолат Муҳаммадов</i> Манзил: <i>Мустақиллик йули к 26 уй</i>
Манзил: Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар Бешкент йули 3 км	Банк маълумотлари:
Банк маълумотлари:	х/р: _____
х/р: 20 210 000 504 074 838 334;	СТИР: <i>200667217</i>
СТИР: 203 366 731;	МФО: <i>00014</i> ; Банк номи: <i>Тошкент Марказий</i>
МФО: 00401; АТБ "Алокабанк"	Тел: _____
Тел: 1155 Call марказ, 75 221-5300;	E-mail: _____
E-mail: qashtel@uztelecom.uz, qashmerketing@uztelecom.uz;	
Оператор номидан:	Абонент номидан:
Директор <i>Ж.С.Бозоров</i> /имзо/ м.ў.	<i>Висолат Муҳаммадов</i> /имзо/ Ф.И.О



Кўрсатиладиган хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)

т/р	Хизматлар номи	ҚҚС билан нархи (миқдори)	Асос	Миқдор	15% ҚҚС билан Тулов миқдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6
<b>I. Бир марталик тўловлар</b>					
1.2	Бир марталик тўлов		Нархнома		
1.3	Бир марталик тўлов		Нархнома		
<b>II. Ҳар ойлик абонент тўловлари</b>					
2.1	Ойлик тўлов Corporate-1	240 000	Нархнома	1	240 000
	Жами (олдиндан тўлов)				240 000

Жами олдиндан тўлов миқдори 240 000 (икки юз қирқ минг) сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида.

Шартноманинг умумий миқдори \_\_\_\_\_ ( )  
 сўми ташкил этади. Ундан \_\_\_\_\_ ( )  
 сўм миқдорида ойлик абонент тўлови ҳамда \_\_\_\_\_ ( )  
 сўм бир марталик \_\_\_\_\_ технологияси бўйича уланиш учун рўйхатга олиш тўлови.

**ОПЕРАТОР:**  
 “Ўзбектелеком” АК  
 Қашқадарё филиали

**АБОНЕНТ:**  
 Вилоят русскоязычного драматического театра

Оператор номидан:

Абонент номидан:

Директор С.М. Бозоров Ж.Бозоров  
 /имзо/  
 м.у.



Ш.К. Мамеджонов

Бажарилган ишларни қабул қилиш ва махсус уланишни синовдан ўтказиш далолатномаси  
 Телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида 2022 йил "\_\_\_" "\_\_\_"  
 -сон шартномага асосан тегишли ишлар амалга оширилди

т/р	Хизматлар номи	Бажарилганлиги ҳақида белги
1.	_____ тариф режаси бўйича _____ Мб/с тезлигида маълумотлар узатиш тармоғига кириш. Уланиш нукталари сони-	Бажарилди

Оператор томонидан уланишни ташкил этиш учун абонентга берилган Абонент қурилмасини топшириш – қабул қилиш далолатномаси

№	Қурилманинг дастурий таъминот номи	Микдори	Серия кодидики завод рақами	15% ҚҚСни инобатга олган ҳолда, етказиб бериш қиймати, (сўмда)
1	2	3	4	5
2				

- \*Қурилмалар Оператор томонидан Абонентга мулк сифатида топширилади.
- \*Абонент, Оператор томонидан алоҳида уланишлар ташкил этилиши учун сотиб олинган қурилмадан техник шартларга мувофиқ, белгиланган мақсадда фойдаланиши учун жавобгардир.
- \*Абонент қурилмаларнинг сифатига, ассортиментига ва сонига нисбатан ҳеч қандай эътирози йўқ.
- \*Ушбу далолатнома сотиб олинган қурилмага эгалик қилиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги ҳужжатдир.

**ОПЕРАТОР:**  
 "Ўзбектелеком" АК  
 Қашқадарё филиали

**АБОНЕНТ:**  
 Висоёт Абулқасимов

Оператор номидан:

Абонент номидан:



Директор Ж.С.Бозоров  
 ИМЗО/ М.У.



Юрич. Ж.С.Бозоров Висоёт Абулқасимов